

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ЖУРАЕВ ШЕРАЛИ ШАРИПОВИЧ

**ГРУНТЛИ ИНШООТЛАРДА ФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ
КАМАЙТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Жураев Шерали Шарипович

Грунтли иншоотларда филтрация жараёнини камайтиришда маҳаллий
хом ашёнинг самарадорлигини баҳолаш..... 3

Жураев Шерали Шарипович

Оценка эффективности местного сырья для снижения фильтрационного
процесса в грунтовых сооружениях..... 19

Jurayev Sherali Sharipovich

Evaluation of the effectiveness of local raw materials to reduce the filtration
process in priming an object..... 33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 36

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ЖУРАЕВ ШЕРАЛИ ШАРИПОВИЧ

**ГРУНТЛИ ИНШООТЛАРДА ФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ
КАМАЙТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4. PhD/Т962. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Наманган муҳандислик қурилиш институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арифжанов Айбек Муҳамеджанович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Файзиев Хомитхон
техника фанлари доктори

Муродов Навруз Қурбонovich
техника фанлари буйича фалсафа доктори,(PhD)

Етакчи ташкилот:

**ЎзРФА М.Т.Ўразбоев номидаги механика ва
иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «_____» _____ 2019 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-22-09; Факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz.)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (+99871) 237-19-45)

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «_____» _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Султонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А.Янгиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби
т.ф.д., профессор

Э.Ж.Махмудов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ирригация соҳасида маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланиш зарур бўлиб, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориш тизимлари, грунтли иншоотларда филтрацияни камайтириш усуллари такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун илм-фаннинг сўнги замонавий ютуқларидан фойдаланиш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, грунтли иншоотлар ишончлилигини ошириш, уларда филтрация жараёнини камайтиришда маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан АҚШ, Канада, Россия, Германия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа ривожланган мамлакатларда грунтли иншоотларда филтрация жараёнини камайтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, грунтли иншоотлар ишончлилигини ошириш ҳамда уларнинг самарали эксплуатациясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда грунтли иншоотлар конструкцияларини оптималлаштириш, уларда маҳаллий хом ашёдан филтрацияни камайтирувчи маҳсулот сифатида фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш, сув омборлари дамбаларининг филтрацион жараёнини камайтириш орқали грунтли иншоотлар мустаҳкамлиги таъминланган усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан филтрация жараёнини камайтиришда самарали усуллари такомиллаштириш, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, грунтли иншоотларнинг филтрация жараёнини камайтириш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамизда грунтли иншоотларни лойиҳалашда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш орқали филтрация жараёнини ва иншоотларга таъсирини камайтириш, уларни хизмат қилиш муддатини ошириш ҳамда хавфсизлик мезонини ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан филтрация жараёнини камайтиришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, филтрация жараёнини камайтириш бўйича самарали ечимларини ишлаб чиқиш, замонавий технологияларга асосланиб грунтли иншоотлардаги филтрацион жараёнларни баҳолашга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 - февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 25 – сентябрдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23-августдаги 273-сон “2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.“Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” ҳамда VIII.“Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Боғланган ва боғланмаган грунтлардаги ва грунтли иншоотлардаги фильтрация жараёни муаммоларига оид назарий ва амалий тадқиқотлар Республикамиз ва чет эллардаги: В.Кондратьев, А.С.Цейтлин, В.М.Микуниса, В.М.Павилонский, А.Н.Анискин, С.М.Горюнов, Р.Садуллаев, М.Р.Бакиев, М.М.Мирсаидов, К.С.Султанов, Э.Ж.Махмудов, Б.Хужаёров, К.Д.Салямова, А.М.Арифжанов, И.Қ.Хужаев, Х.Файзиев, Т.З.Султонов, Н.Равшанов каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Суюқликнинг ғовакли муҳитларда ҳаракати ва грунтли иншоотлардаги гидравлик жараёнларнинг назарий асослари бир қатор олимлар А.Ф.Дарси, М.Е.Альтовский, В.И.Аравин, В.Д.Бабушкин, Ф.М.Бочевеер, В.В.Ведерников, Н.Н.Веригин, Н.К.Гиринский, М.М.Гришин, Е.А.Замарин, И.И.Дружинин, Н.Е.Жуковский, Г.Н.Каменский, В.Малаханов, Н.Т.Мелещенко, А.М.Мхитарян, С.Н.Нумеров, В.П.Недрига, Ф.Б.Нелсон-Скорняков, Н.Н.Павловский, П.Я.Полубарина-Кочина, Г.И.Покровский, К.Н.Анахаев, Л.Н.Рассказов, И.С.Румянцев, П.Ф.Фильчаков, В.М.Шестаков, Д.В.Штеренлихт, М.М.Ahmad, Н.Н.Walid, Н.Ф.Wang, Н.М.Alt, Н.Р.Cedergren, Р.А.Domenico каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида батафсил ёритилган ва ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда ушбу йўналишда олиб борилган кенг миқёсдаги тадқиқотларга қарамасдан Марказий Осиё шароитида маҳаллий грунтлардан, жумладан бентонит гилидан грунтли иншоотлар қурилишида фильтрацияни камайтирувчи табиий маҳсулот сифатида фойдаланиш масалалари етарлича ўрганилмаган ҳолда қолмоқда. Ушбу грунтли иншоотларда маҳаллий грунтнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда “Грунтдаги девор” усулида асосий маҳаллий материал сифатида бентонитдан фойдаланиш усуллари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режаси 7/2016 “Ирригация

тизимлари, гидротехник иншоотлар ва сув омборлардан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2016-2020), Наманган муҳандислик қурилиш институтининг 15/2016 “Муҳандислик коммуникациялари тизимларида энергия тежамкор технологиялар ва маҳсулотлардан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш (2016-2020); Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтининг 5/2011 “Исследование свойства бентонита месторождения Логон в Ферганской долине” (04.04.2011й.), X/Ш-9/2012 «Катта Фарғона ва Катта Андижон каналларининг Фарғона вилояти ҳудудида ўтган қисмида фильтрация сарфини ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш» (2012й.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади грунтли иншоотларда филтрацион жараёнларни камайтиришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш самарадорлигини гидравлик жиҳатдан баҳолаш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

грунтларда филтрация жараёнини тадқиқоти бўйича назарий ва амалий ишланмалар таҳлили, маҳаллий грунтларнинг филтрацияга қарши самарадорлигини аниқлаш;

маҳаллий хом ашё бентонит гилининг физик-механик хусусиятларини инобатга олиб, филтрация коэффицентини аниқлаш;

грунтли иншоотлар қурилиши учун маҳаллий грунтнинг филтрация коэффицентини тадқиқ қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

грунтли иншоотларда “Грунтдаги девор” усулини қўллашда филтрация жараёнини камайтириш учун асосий маҳсулот сифатида табиий маҳаллий хом ашё бентонит гилидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийсидагаги грунтли иншоотлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бентонит ва унинг хоссалари, бентонитнинг филтрация коэффицентини, маҳаллий хом ашё бентонитдан фойдаланиб филтрацияга қарши қатлам ҳосил қилиш жараёнини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида гидравлика ва гидрологияда умум қабул қилинган услублар, дала ва лаборатория тажрибалари маълумотларини қайта ишлашда математик статистика услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

табиий маҳаллий хом ашё бентонитнинг филтрация коэффицентини унинг физик ва гидродинамик хоссаларини инобатга олиб аниқланган;

грунтли иншоотларда филтрация жараёнини камайтирувчи материал сифатида Фарғона вилояти бентонитидан фойдаланиш унинг фракцион таркибини ҳисобга олиб асосланган;

маҳаллий материаллардан қурилган иншоотларда филтрация сарфини аниқлаш усули грунт хусусиятларини инобатга олиб такомиллаштирилган;

грунтли иншоотларда фильтрацияни камайтириш учун “Грунтдаги девор” усули бентонитнинг физик-кимёвий хоссаларини инобатга олиб такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

грунтли иншоотларда филтрацион жараёнларни камайтиришга доир назарий ва амалий изланишлар натижасида маҳаллий хом ашё бентонит гилининг механик ва фракцион таркиби ўрганилган ва филтрацияга қарши қурилиш материали сифатида фойдаланишга тавсия этилган;

маҳаллий хом ашё бентонитнинг сув ўтказувчанлик хусусияти тадқиқоти натижасида, Фарғона вилояти Қувасой тумани ҳудудидаги Логон қариери бентонит гилининг филтрация коэффиенти аниқланган;

грунтли иншоотлар қурилиши учун маҳаллий грунтнинг филтрация коэффиентини тадқиқ қилиниб, маҳаллий грундан унумли фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

грунтли иншоотларда филтрация жараёнини камайтириш учун “Грунтдаги девор” усулини қўллашда асосий маҳсулот сифатида табиий маҳаллий хом ашё бентонитдан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажриба ва табиий дала маълумотлари билан қиёсий солиштирилганлиги, олиб борилган тажриба маълумотлари натижаларини таҳлил этишда математик статистика услубларидан фойдаланганлиги ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бентонитни филтрацияга қарши табиий хом ашё материали сифатида фойдаланиш мумкинлигини назарий ва экспериментал асосланганлиги, бентонитдан филтрация жараёнига қарши фойдаланиладиган усулларини такомиллаштириш, табиий маҳаллий хом ашё бентонитнинг филтрация коэффиенти аниқланиб, филтрацияга қарши материал сифатида “Грунтдаги девор” усулида асосий тўлдирувчи маҳсулот сифатида фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти, филтрацияга қарши маҳаллий хом ашё сифатида маҳаллий маҳсулот бентонитдан фойдаланиб, ресурстежамкорликка эришилганлиги, грунтли иншоотларда бентонитдан “Грунтдаги девор” усули бўйича таклиф этилган тавсиялардан фойдаланиш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилганлиги ва маҳаллий грунда ҳосил бўладиган филтрация жараёнини камайтириш бўйича тавсиялардан фойдаланиб уларни ишончлилиги ва ресурс тежамкорлигига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Грунтли иншоотларда филтрация жараёнини камайтиришда маҳаллий хом ашё самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

грунтли иншоотларда бентонитнинг хусусиятлари инобатга олиб, филтрацияни камайтирувчи маҳсулот сифатида Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Фарғона вилояти сув омборлари бошқармасида филтрацияга

қарши тикланаётган “Грунтдаги девор” қурилишида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 февралдаги № 03/25-574 сонли маълумотномаси). Натижада маҳаллий хом ашёнинг фильтрация коэффиценти бўйича назарий асослари ва сув омборининг “Грунтдаги девор” усули бўйича фильтрацияни камайтирувчи маҳсулот сифатида унумли фойдаланиш имкониятини яратган;

табiiй маҳаллий хом ашё бентонитнинг фильтрация коэффиценти “Гидропроект” ОА да фойдаланишга жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 февралдаги № 03/25-574 сонли маълумотномаси). Натижада фильтрация жараёнин камайтириш учун маҳаллий хом ашёнинг самарадорлиги баҳоланди. Маҳаллий хом ашё сифатида Логон бентонитининг фракцион ва кимёвий таркиби ва фильтрация коэффиценти аниқланди. Янги аниқланган маҳаллий хом ашё Логон бентонитининг грунтли иншоотларда фильтрацияни камайтирувчи материал сифатида фойдаланиш имконияти яратилган;

табiiй дала шароитида маҳаллий материаллардан грунтли иншоотлар қуришда маҳаллий грунт хусусиятларини инобатга олиб, иншоотлардаги такомиллаштирилган фильтрация сарфини аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Фарғона вилояти сув омборлари бошқармасида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 февралдаги № 03/25-574 сонли маълумотномаси). Натижада таклиф этилган ишланмалар ва тавсиялар грунтли иншоотларда фильтрация жараёнини камайтириш бўйича фойдаланишга имконият беради. Маҳаллий грунтнинг фильтрация сарфини аниқлаш усулидан фойдаланиб, грунтли иншоотларда фильтрация жараёнини камайтириш тадбирларини ишлаб чиқишга асос бўлади ва эксплуатацион ҳаражатларни камайтириш билан иқтисодий самарадорликга эришиш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика ва институт миқёсидаги 26 та анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, шу жумладан 2 та халқаро ва 14 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 7 таси Республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 – бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини

ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг очиб берилиб, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Грунтларда фильтрация жараёнини тадқиқотига доир назарий ва амалий изланишлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида грунтли иншоотларда фильтрация жараёнини баҳолашга доир тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Фильтрация жараёнининг назарий асослари бўйича таҳлил ишлари бажарилган. Фильтрация жараёнини аниқлаш бўйича тўпланган маълумотлар умумлаштирилган. Фильтрация коэффициентини аниқлаш бўйича бажарилган ишлар таҳлили қилинган.

Говакли мухитлардаги суюқликнинг ҳаракати ва грунтли иншоотлардаги фильтрация жараёнининг назарий асослари ва фильтрацияга қарши усулларнинг мазмун ва моҳияти А.Ф.Дарси, М.Е.Альтовский, В.И.Аравин, В.Д.Бабушкин, Ф.М.Бочевеер, В.В.Ведерников, Н.Н.Веригин, Н.К.Гиринский, М.М.Гришин, Е.А.Замарин, И.И.Дружинин, Н.Е.Жуковский, Г.Н.Каменский, В.Малаханов, Н.Т.Мелещенко, А.М.Мхитарян, С.Н.Нумеров, В.П.Недрига, Ф.Б.Нелсон-Скорняков, Н.Н.Павловский, П.Я.Полубарина-Кочина, Г.И.Покровский, К.Н.Анахаев, Л.Н.Рассказов, И.С.Румянцев, П.Ф.Фильчаков, В.М.Шестаков, Р.А.Doménico каби олимлар томонидан ўрганиб чиқилган.

Бир жинсли грунтли иншоотлардаги фильтрация жараёни масалалари бўйича В.Кондратьев, А.С.Цейтлин, В.М.Микуниса, В.М.Павилонский, А.Н.Анискин, С.М.Горюнов, Р.Садуллаев, М.Р.Бакиев, М.М.Мирсаидов, К.С.Султанов, Э.Ж.Махмудов, Б.Хужаёров, К.Д.Салямова, А.М.Арифжанов, И.Қ.Хужаев, Х.Файзиев, Т.З.Султонов, Н.Равшанов ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.


Илмий адабиётлар таҳлилидан маълумки, танаси бир хил жинсли грунтдан ташкил топган грунтли иншоотлардан фойдаланишда қуйидаги ҳолатлар тўғон танаси орқали фильтрация сувларининг ўтиши, унинг танасини деформацияланишига шароит яратиб бериши ҳамда баъзи бир грунтлар учун катта миқдордаги фильтрация сувларини камайтириш бўйича фильтрацияга қарши махсус қурилмаларни қуришни тақозо этиши эътироф этилган. Бунинг натижасида фильтрацияга қарши чора тадбирлар ишлаб чиқишда маҳаллий хом ашё маҳсулотларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Алоҳида грунтли иншоотларда фильтрацияга қарши технологияларни яратишда сув ўтказувчанлиги кам бўлган грунтлар танқис бўлган шароитда маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятини асолаш лозим бўлади. Маҳаллий хом ашё бўлган, сув ўтказувчанлиги кам маҳсулот сифатида бентонит гилларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мавжуд Навоий вилоятининг Навбахор ва Азкамар бентонит гил конлари, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон бентонит гил кони ва Фарғона вилоятининг Логон бентонит гил конлари каби асосий захира

конлари мавжуд. Юқоридаги таҳлиллар асосида ишнинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг «Маҳаллий хом ашё бентонитнинг фильтрация коэффициентини аниқлаш бўйича тадқиқотлар» деб номланган иккинчи бобида бентонитдан грунтли иншоот дамбаларининг фильтрацияга қарши маҳсулот сифатида фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш мақсадида, унинг кимёвий таркиби, физик-механик ва гидродинамик хусусиятларининг таҳлили ҳамда Логон бентонит гилининг фильтрация коэффициентини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Ўзбекистонда турли минералларга бой бўлган бентонит гил конлари мавжуд бўлиб, улардан ҳозирги кунда Республикаимизнинг турли соҳаларида кенг фойдаланиб келинмоқда. Фарғона вилояти Қувасой тумани ҳудудидаги Логон бентонит гили кони 2009 йили аниқланган бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистонда бентонит гили бўйича иккинчи хом ашё захираси ҳисобланади. Мазкур бентонит гилидан фильтрацияга қарши маҳсулот сифатида фойдаланиш мумкинлигини асослаш Фарғона вилояти ҳудудларида маҳаллий грунтлардан иншоотлар қуришда ва фильтрацияга қарши ишлатиладиган маҳсулот сифатида самарали бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Логон бентонит гилининг таркибий хусусиятларини тўлиқ тавсифи учун бентонитнинг фракцион таҳлиллари ўтказилди (1-расм). Грунт таркибидаги минерал зарраларнинг катталиги унинг физик ва механик хусусиятларига катта таъсир этади. В.В. Охотин таснифига кўра Логон бентонит гили таркиби $d < 0,005$ ммли заррачалар таркиби 30% дан ортиқ бўлганлиги учун лойсимон гил жинслар туркумига киритиш мумкин.



1-расм. Логон кони бентонит гилининг фракцион таркиби.

Олиб борилган тадқиқотларда бентонит гилининг механик ва кимёвий таркиби аниқланди. Логон бентонит гили кимёвий таркиби бўйича турли

кимёвий минераллардан иборат эканлиги аниқланди, унинг асосий қисмини SiO_2 (54,62 %) ташкил этади.

Логон бентонит гилининг фильтрация коэффициентини аниқлаш учун, мавжуд фильтрация коэффициентини аниқлаш бўйича гидравлик қурилмаларни ҳисобга олган ҳолда, Н.В.Коломенский қурилмасига тегишли конструкция бўйича экспериментал қурилмадан фойдаланилди.

Фильтрация коэффициенти K_ϕ (см/с) қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$K_\phi = \frac{Wl}{hFT} \quad (1)$$

бу ерда: W - сув ҳажми, см^3 ; l - тупроқ қатламига тенг фильтрация йўли узунлиги, см; h - напор, см; F - намунанинг юзаси, см^2 ; T - фильтрация давомийлиги, с.

Тажрибалар ГОСТ 25584-2016 бўйича, шунингдек замонавий адабиётларда мавжуд бўлган усуллар асосида амалга оширилди. Бентонитнинг сув ўтказувчанлигини экспериментал тадқиқ қилиш жараёнида, турли напор қийматлари асосида такрорий экспериментлар ўтказилди.

Экспериментал тадқиқотлар жараёнида бентонит лойи намунасига сув юқоридан пастга напор билан узатилиб, бентонит қатламидан филтрланиб ўтган сув ўлчов бакига тиниқ ва тоза ҳолатда оқиб тушиши кузатилди. Тадқиқот натижасида бентонит қатламидан ўтадиган сув жуда тоза эканлиги ва бу омил бентонитнинг филтрлаш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. Бу хусусиятдан эса саноат ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида филтр сифатида фойдаланиш мумкинлигини изоҳлаш мумкин.


Экспериментал тадқиқотлар жараёнининг кейинги босқичида бентонит гилининг намунаси ва маҳаллий грунт қатламидан напор пастдан юқорига қараб берилди.

Экспериментал тадқиқот жараёнининг кейинги босқичида $\rho_d=1600-1800 \text{ кг/м}^3$ бўлган зичликларида бентонит лойи намуналари сувни пастдан юқорига юқори напор остида бериш орқали ўтказилди. Бентонит гилининг шишувчанлигини эътиборга олган ҳолда намуна ва қумли қатлам қисқичлар ёрдамида маҳкамланди. Тажиба тадқиқотлари 22-180 соатгача бўлган вақт давомийлигида кузатилди.

Олинган натижаларнинг ўртача қиймати бўйича тадқиқ қилинган Логон бентонит гилининг фильтрация коэффициенти ўртача $\rho_d=1700 \text{ кг/м}^3$ миқдорида $K_\phi=0,38 \cdot 10^{-7} \text{ см/с}$ ($3,46 \cdot 10^{-5} \text{ м/сутка}$) ташкил қилди.

Тажиба шароитида олинган натижалар таҳлили фильтрация коэффициенти $K_\phi=f(W/t\omega)$ координатлари орасидаги боғланиш (2) бўйича график тузиш орқали аниқланди (2-расм).

Тажиба тадқиқотлари натижаларининг статистик таҳлили асосида (корреляция коэффициенти $R=0,96$) аниқланиб, олинган маълумотлар бўйича



2-расм. Фильтрация коэффициентининг $K\phi=f(W/t\omega)$ боғлиқлик графиги.

бентонит гилининг фильтрация коэффициентини аниқлаш учун янги боғланиш олинди.

$$K_{\phi} = 68,1 \left(\frac{W}{tF} \right)^{0,93} \quad (2)$$

Бентонит гилининг модификацияланган кўшимчалар асосидаги аралашмаси бентонит гилининг қурилиш технологик жараёнини енгиллаштириш учун хизмат қилади. Бентонит гранулеси (БГ) таркибига кўшилган полиакириламиднинг асосий вазифаси аралашманинг ёпишқоқлик хусусиятини оширишдан иборат. Реагент кўшишдан мақсад эса аралашманинг чўкувчанлигини секинлаштиришдир. Калцийли соданинг маълум миқдорларда кўшилиши эса аралашма таркибидаги йирик донали бентонитни ишқорийлик ҳисобига майдалашдан иборат бўлади.

Танлаб олинган бентонит гранулаларининг сув ўтказувчанлиги бўйича фильтрация коэффициентининг ўртача қиймати $K_{\phi}=0.35 \times 10^{-7}$ см/с (3.1×10^{-5} м/сутка) га тенг эканлиги аниқланди.

Экспериментал тадқиқот натижалари асосида Фарғона вилояти Логон бентонит гилидан, грунтли иншоотларда фильтрация жараёнини камайтирувчи маҳсулот сифатида фойдаланиш мумкинлиги бўйича тавсиялар берилди.


Диссертацияни «Грунтли иншоот қурилишида маҳаллий грунтнинг **фильтрация коэффициентини аниқлаш бўйича тадқиқотлар**» деб номланган учинчи бобида маҳаллий грунт - қумнинг фракцион таркиби ва фильтрация коэффициентини аниқлаш бўйича тадқиқот маълумотлари келтирилган.

Бентонит гилининг сув ўтказувчанлигини аниқлаш мақсадида дамба танасининг асосий қисмини ташкил этган маҳаллий қумнинг фильтрация

коэффициентини лаборатория ва дала шароитида аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Қумли грунтлар ўзининг сув ўтказувчанлиги билан мустақкам, юқори юк кўтариш қобилиятига эга эканлиги, турғунлиги паст хусусиятлари билан бошқа грунтлардан фарқ қилади. Агар уларнинг ғоваклиги катта бўлса, у ҳолда улар динамик кучлар таъсирида тез чўкиши ва иншоотдаги турли салбий ҳолатларга сабаб бўлади.

Маҳаллий грунтдан қурилган дамбаларнинг ҳар хил участкаларида уларнинг фракцион таркиби ўрганиб чиқилди. Олинган натижаларга кўра асосан маҳаллий қумнинг фракцион таркиби бўйича қийматлари ўзаро бир бирига яқин эканлигини кўриш мумкин. Маҳаллий қумдаги зарралар йириклиги 0.1-0,25 ммгача 50% ортиқ қисмини ташкил қилганлиги учун, фракцион таркиб бўйича ўрта йирикликдаги заррачали қум таркибига киритиш мумкин (3-расм).



3-расм. Маҳаллий қумнинг фракцион таркиби.

Тажриба жараёнида қурилманинг ичида маҳаллий грунт - қумнинг қатлами жойлаштирилди. Қурилмага бериладиган сув напорини ҳосил қилиш учун 270 см баландликдан сув узатиш баки ўрнатилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, маҳаллий қум орқали ўтувчи сув сарфи $Q < 10^{-3} \text{ см}^3/\text{с}$ ташкил этди.

Напор бакида диаметри 0,4 см бўлган пьезометр ўрнатилди, бу эса сарф ўлчовининг аниқлигини оширади. Тажрибалар мавжуд йўриқномалар асосида бажарилди (ГОСТ-25584-2016).

Фильтрация коэффициентини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаландик:

$$K_{\phi}^{10} = \frac{h}{t} \cdot \varphi \left(\frac{S}{H_0} \right) \cdot \frac{864}{T} \quad (3)$$

бу ерда: h - намунадаги грунт қалинлиги, см; t - сув сатҳининг пасайиш вақти, с; φ_0 - ўлчовсиз коэффициент, пьезометрдаги сув сатҳининг ўзгариши S ва напор H_0 га боғлиқ ҳолда аниқланади, S -пьезометрдаги назоратдаги сув сатҳининг бошланғич ҳолатидан якуний ҳолати бўйича ўзгариши,

H_0 - бошланғич напор, см. $T_0=(0,7+0,03T_\phi)$ –сувнинг 10 °С да филтрланиш жараёнидаги филтрация коэффициентини ҳисоблаш учун ҳарорат формуласи. бу ерда T_ϕ – тажрибадаги ҳақиқий сув ҳарорати, °С.

Тажриба шароитида олинган натижалар таҳлили филтрация коэффициенти бўйича натижалар бўйича $K_\phi = f(\phi)$ координантлари орасидаги боғланиш бўйича график тузиш орқали аниқланди (4-расм).


Олиб борилган тажриба натижалари статистик таҳлил қилинди. (корреляция коэффициенти $R=0.93$). Олинган маълумотлар бўйича маҳаллий кумнинг филтрация коэффициентини тажриба усулида аниқлаш учун янги боғланиш олинди.

$$K_\phi = 0.55\phi^{0.8} \quad (4)$$

Олиб борилган тажриба синовлари асосида маҳаллий кумнинг ўртача филтрация коэффициенти $K_\phi=0,0087$ см/с (7.52 м/сутка) ни ташкил этди.

Маҳаллий кумдаги филтрация жараёни дала шароитидаги тажриба синовлари дамба танасида ўрнатилган вақтинчалик пьезометрлар орқали кузатилди. Бизга маълумки, маҳаллий грунтдан ҳосил қилинган дамбаларда филтрация жараёни ҳосил бўлиши табиий ҳолат ҳисобланади.

Мавжуд барханлар (табиий кум тепаликлари) ва янги ҳосил қилинган дамбаларда филтрация жараёни турли ҳолатда кечиши аниқланди. Филтрация жараёни дамбанинг зичланганлик даражасига узвий боғлиқ. Дамбалардаги филтрация жараёнини ўрганишда табиий дала шароитидаги асосий қисми маҳаллий грунтдан иборат бўлган мавжуд барханлар ва янги ҳосил қилинган дамбаларнинг филтрация коэффициентларини аниқлаш бўйича табиий дала шароитидаги тадқиқотлар олиб борилди.




4-расм. Маҳаллий грунтларда $K_\phi = f(\phi)$ боғлиқлик графиги.

Тадқиқот кузатувлари асосида тўғон дамбалари қурилиши йўналиши бўйича табиий ҳолатда фойдаланилган барханлардаги сув ўтказувчанлик юқори эканлигини кузатиш мумкин. Чунки табиий барханларнинг зичлиги $\rho_d=1540$ кг/м³ гача бўлса, янги ҳосил қилинган дамбалар эса $\rho_d=1600-1700$ кг/м³ гача

зичланган. Ҳосил қилинган янги дамбалар ва табиий барханлар бўйича пикетлар танлаб олиниб, ушбу пикетлардаги назорат пьезометр кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Олинган натижалар асосида маҳаллий кумнинг фильтрация коэффиценти $K_{\phi}=0,00935$ см/с (8.08 м/сутка) эканлиги аниқланди.

Табиий дала шароитида олинган натижалар таҳлили маҳаллий кумнинг фильтрация коэффиценти бўйича график тузиш орқали аниқланди. Тажрибада аниқланган натижалар бўйича $q/K_{\phi}=f(\Delta H)$ координаталари орасидаги боғланиш бўйича аниқланди (5-расм). Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида маҳаллий грунтдан ҳосил бўлган барханларнинг фильтрация коэффиценти аниқланди.



5-расм. Маҳаллий грунтларда $q/K_{\phi}=f(\Delta H)$ боғлиқлик графиги.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида тўпланган маълумотлар математик статистика усуллари билан таҳлил қилинди (корреляция коэффиценти $R=0.93$). Натижада маҳаллий грунтдан ташкил топган барханларда фильтрация сарфини аниқлаш бўйича янги боғланиш олинди.

$$q = 0.63K_{\phi}\Delta H^{0.4} \quad (5)$$

Олиб борилган изланишлар натижаси Фарғона вилоятидаги маҳаллий грунтдан иборат грунтли иншоотларидаги бўладиган фильтрация жараёнини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлади.

Диссертацияни «**Маҳаллий хом ашё бентонитдан грунтли иншоотлар қурилишида фойдаланишнинг самарадорлиги**» номли тўртинчи бобида бентонит гилини “Грунтдаги девор” усули бўйича асосий тўлдирувчи маҳсулот сифатида фойдаланиш самарадорлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотларда грунтли тўғонининг фильтрацион мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича напор градиентининг максимал қиймати $J_p=26$ эканлиги аниқланди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида рухсат этилган напор градиенти $J=30$ қабул қилинган. Шундай қилиб, 0.6 м кенгликдаги фильтрация деворини ҳосил қилиш учун бентонит гили аралашмаси билан “Грунтдаги

девор” амалга оширилган. Ҳисобий напор қиймати $26.0 < 30.0$ бўлса шарт бажарилади. Тадқиқотлар бўйича фильтрацияни таъминлаш мумкин бўлади.

Ҳозирги даврда фильтрация жараёнини камайтириш бўйича гидротехника қурилишида “Грунтдаги девор” усули дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатларида (АҚШ, Германия, Франция, Австралия ва б.) муваффақиятли жорий этилмоқда. “Грунтдаги девор” усулини қўллашда асосий девор ҳосил қилишда тўлдирувчи маҳсулот сифатида маҳаллий гилсимон грунтлардан фойдаланишиқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлигини кўрсатади. Олиб борилган тадқиқотлар маҳаллий хом ашё бентонитдан фильтрацияни камайтирувчи асосий деворни ясовчи маҳсулот сифатида фойдаланиш мумкинлигинин амалиётда синаб имконини берди. Грунтли тўғонларда фильтрацияга қарши қурилма сифатида “Грунтдаги девор” усулини қўллаш ва асосий фильтрацияга қарши маҳсулот сифатида бентонит гилидан фойдаланиш ижобий самара бериши аниқланди.

“Грунтдаги девор” усули Ўзбекистон шароитининг гидротехника қурилишида энди қўлланилаётган усул бўлиб, унда асосий фильтрацияга қарши маҳсулот сифатида бентонитдан фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги асосланди.

“Грунтдаги девор” усули ёрдамида турли гидротехника иншоотлари қурилиш интенсивлиги 20% га ошади, фильтрацияга қарши экранлар учун 60% гача қурилиш сметаси таннархи камаяди.

Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш бўйича кутилаётган иқтисодий самарадорлиги 85943025 сўм ни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

“Грунтли иншоотларда фильтрация жараёнини камайтиришда маҳаллий хом ашё самарадорлигини баҳолаш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олиб борилган тадқиқотларда Логон бентонитининг механик таркиби асосий қисмини $d < 0,005$ мм ли заррачаларининг улуши 30% дан ортиқ эканлиги аниқланди. Бу эса бентонит гилли жинсларга мансуб эканлиги ва бентонитни грунтли иншоотларда фильтрацияга қарши хом ашё сифатида фойдаланиш имконини беради.

2. Лаборатория шароитида ўтказилган тадқиқотлар асосида бентонитнинг фильтрация коэффициенти аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра бентонитнинг фильтрация коэффициентининг ўртача қиймати $0,38 \cdot 10^{-7}$ см/с ($3,46 \cdot 10^{-5}$ м/сутка) тенг эканлиги аниқланиб, бу эса бентонитдан грунтли иншоотлар қурилишида фильтрацияга қарши материал сифатида фойдаланиш имконини беради.

3. Тадқиқотлар асосида, модификацияланган кўшимчалар асосидаги бентонит гили аралашмасининг фильтрация коэффициентининг ўртача қиймати $0,35 \cdot 10^{-7}$ см/с ($3,1 \cdot 10^{-5}$ м/сутка) га тенг бўлиб, бу эса деворда фильтрацияга қарши ҳимоя қатлами ҳосил қилиш имконини беради.

4. Лаборатория ва табиий дала шароитида маҳаллий грунтдан барпо этилган иншоотлардаги кумнинг фильтрация коэффициенти аниқланди. Лаборатория шароитида фильтрация коэффициентининг ўртача қиймати $K=0,0087$ см/с (7,52 м/сутка) га тенг эканлиги белгиланиб, грунтли тўғонда фильтрацияга қарши чора тадбирлар кўламини белгилашга имкон беради.

5. Табиий дала шароитида ўтказилган тажрибаларда, маҳаллий грунтдан барпо этилган иншоотларнинг фильтрация коэффициенти мавжуд барханлар ва янги ҳосил қилинган дамбаларда аниқланди. Табиий дала шароитида маҳаллий кумнинг фильтрация коэффициентининг ўртача 0.00935 см/с (8,08 м/сутка) қийматга тенг эканлиги аниқланиб, бу тўғон танасида содир бўладиган филтрацион жараёнларнинг мониторингини олиб бориш имконини беради.

6. Олиб борилган тадқиқотларда Фарғона водийси маҳаллий грунт барханларидан яратилган грунтли иншоотларининг фильтрация сарфини аниқлаш учун янги боғланиш тавсия этилди (корреляция коэффициенти $R=0.93$ га тенг). Таклиф этилган ҳисоблаш усули маҳаллий грунтларда фильтрация сарфини тезкор аниқлаш имконини беради.

7. Бентонитнинг физик-механик, гидрологик ва гидравлик хусусиятларини баҳолаш асосида Фарғона водийси ҳудудида маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, фильтрацияга қарши девор ҳосил қилишда, “Грунтдаги девор” технологияси такомиллаштирилди. Бу эса маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш баробарида ресурстежамкорликка эришиш имконини беради.

8. Тадқиқот натижалари Фарғона вилоятининг грунтли иншоотларида фильтрацияни камайтирувчи тадбирларни амалга оширишда маҳаллий маҳсулот сифатида фойдаланилди. Ушбу натижаларни жорий қилиниши 85943025 сўм иқтисодий самарага эришиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА
НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

ЖУРАЕВ ШЕРАЛИ ШАРИПОВИЧ

**ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕСТНОГО СЫРЬЯ ДЛЯ СНИЖЕНИЯ
ФИЛЬТРАЦИИ В ГРУНТОВЫХ СООРУЖЕНИЯХ**

05.09.07 - Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4. PhD/T962.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства и Наманганском инженерно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tiame.uz) Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.)

Научный консультант: **Арифжанов Айбек Мухамеджанович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Файзиев Хомитхон**
доктор технических наук

Муродов Навруз Қурбонович
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Ведущая организация: **Институт механики и сейсмостойкости сооружений АНРУз имени М.Т.Уразбаев.**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 г. _____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниёзий, 39, тел. (+99871) 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Зарегистрировано № ____). (Адрес: 100000, г.Ташкент, Кары Ниёзий,39,тел.(+99871)237-19-45.)

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года.
(Протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2019 г.)

Т.З.Султонов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

А.А.Янгиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Э.Ж.Махмудов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Важнейшими вопросами в мире являются организация эффективного использования местного сырья в ирригационной системе, рационального использования водных ресурсов и использования последних научных достижений и экономической эффективности для достижения поставленных целей по повышению эффективности ирригационных систем, усовершенствованию методов снижения фильтрации в грунтовых сооружениях. В этой связи особое значение имеют исследования по повышению надежности грунтовых сооружений и снижению в них процессов фильтрации. В этом смысле, в США, Канаде, России, Германии, Индии, Китае и в других развитых странах особое внимание уделено разработке эффективных методов снижения процесса фильтрации в грунтовых сооружениях, повышению надежности грунтовых сооружений, а также обеспечению их эффективной эксплуатации.

В мире особое внимание уделяется целенаправленным научным исследованиям, направленным на оптимизацию конструкций грунтовых сооружений, определению возможности использования в их составе местного сырья в качестве материала для снижения фильтрации, разработке методов обеспечения прочности грунтовых сооружений путём снижения фильтрационных процессов дамб грунтовых сооружений. В этой связи, в том числе одной из важных задач является совершенствование эффективных методов в снижении процессов фильтрации, создание антифильтрационных устройств и разработка технологии снижения процессов фильтрации с использованием местного сырья.

В настоящее время в нашей Республике ведутся обширные мероприятия по снижению фильтрации при проектировании грунтовых сооружений с использованием местного сырья и минимизации воздействия на конструкции, увеличения срока их службы и разработки критериев безопасности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы поставлены задачи в том числе, «...сокращение энергоёмкости и ресурсоёмкости, развитие мелиоративных и ирригационных объектов для повышения конкурентоспособности национальной экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий»¹. В решении данных задач важное значение имеет проведение научно-исследовательских работ, в том числе разработка научных основ использования местного сырья в снижении процесса фильтрации, разработка эффективных решений по снижению процесса фильтрации, проведение научных исследований, направленных на оценку процессов фильтрации в грунтовых сооружениях, основываясь на современные технологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии и действиях по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении от 25 сентября

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии и действиях по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

2017 года № ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», Постановлении Кабинета Министров от 23 августа 2016 года №273 «Об утверждении Программы мониторинга окружающей природной среды в Республике Узбекистан на 2016–2020 годы», а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды» и VIII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и обогащение полезных ископаемых)».

Степень изученности проблемы. Теоретические и практические исследования, в Республике и зарубежом по проблемам процесса фильтрации в связанных и несвязанных грунтах и грунтовых сооружениях освещены в научных разработках В.Кондратьева, А.С.Цейтлина, В.М.Микуниса, В.М.Павилонского, А.Н.Анискина, С.М.Горюнова, Р.Садуллаева, М.Р.Бакиева, М.М.Мирсаидова, К.С.Султанова, Э.Ж.Махмудова, Б.Хужаёрова, К.Д.Салямовой, А.М.Арифжанова, И.Қ.Хужаева, Х.Файзиева, Т.З.Султонова, Н.Равшанова и других.

